33 (363)
2003 йил 20 август
Чоршанба

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Сотувда эркин нархда

XII yil

ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ: 232~ кун

2
● Шикояти бору, ўзи йўқ одамлар.
● Ҳожатбарор Тўрақулов!

3
● Ишсизлар камайса, яхши!
● Бир қайнона-куёвнинг минг кирдикори...

4
● Боли тилни ёрмаса, қовун қовунми?
● Томошақовоқ томоша қилиш учун-да, оповси!..

АҚШ СЕНАТОРЛАРИ САМАРҚАНДДА

САМАРҚАНД, 19 август.
Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бугун бу ерда мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган АҚШ Сенатининг Ташқи алоқалар бўйича қўмитаси раиси Ричард Лугар раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди.

Ричард Лугар оммавий қирғин қуроллари тарқалишининг олдини олиш, бу муаммога қарши курашишни кўзда тутувчи қатор халқаро қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишда ташаббускорлик кўрсатган сиёсатчидир. У Ўзбекистоннинг Марказий Осиёни ядро қуролидан холи зона, деб эълон қилиш ташаббусини юқори баҳолайди.

Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги кўп томонлама муносабатлар, жумладан, сиёсий ва иқтисодий алоқалар, хавфсизликни таъминлаш борасидаги ҳамкорлик йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Айниқса, халқаро террорчилик, экстремизм, уюшган жиноятчилик, наркотик моддалар ва қурол-яроғнинг ғайриқонуний савдоси каби иллатларга қарши курашда икки мамлакатнинг қарашлари муштараклиги ҳамкорлик ришталарини янада мустаҳкамламоқда.

Самарқанд шаҳридаги қароргоҳда бўлиб ўтган учрашувда томонлар минтақада оммавий қирғин қуролларининг ноқонуний тарқалишига, экологик муаммоларга қарши кураш масалаларини муҳокама қилди. Икки томонлама ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш имкониятлари юзасидан фикр алмашилди.

Ислом Каримов АҚШ Сенатида Ўзбекистон ва, умуман, Марказий Осиёдаги муаммоларга ечим топишда минтақа давлатлари билан ҳамкорликка интилиш мавжудлиги, бу ердаги вазият доим америкалик сиёсатчилар диққат-эътиборида туриши қувонарли эканлигини таъкидлади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон-АҚШ ҳамкорлигига оид ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Америкалик меҳмонлар Самарқанднинг қадимий обидаларини томоша қилди.

(ЎзА)

***

Суратда: учрашув пайти.
А.ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

ТОШКЕНТ. (ЎзА мухбири Нодирбек Ўлжабоев). АҚШ Сенатининг Ташқи алоқалар бўйича қўмитаси раиси Ричард Лугар Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Вирусология илмий текшириш институтида бўлди.

Институт директори Шабот Хўжаев ҳамда Республика карантин ва ўта хавфли юқумли касалликлар муҳофазаси маркази директори Аминжон Неъматов билан учрашувда мазкур соҳаларда икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга оид масалалар хусусида сўз борди.

Ўтган йили АҚШ Мудофаа вазирлигининг «Биологик таҳдид ва биологик террорчиликка қарши курашда ҳамкорлик» дастури доирасида Ўзбекистон Республикасидаги тиббий илмий текшириш муассасаларига 14 миллион АҚШ доллари миқдорида грант ажратилган эди. Оммавий ахборот воситалари ходимлари билан ўтказилган матбуот анжуманида Р.Лугар келаси йил 10 миллион долларлик навбатдаги грант ажратилажагини маълум қилди.

● Таассуф

ҲАЙДОВЧИ НАФСИМ, ДЕСА...

Йўл азоби - гўр азоби, деган иборани бунча билиб айтишмаган бўлса доно халқимиз. Яқинда Жиззахга боргандим. Қайтишда Қарши-Тошкент йўналишидаги автобусга чиқдим. Кейин афсусландим. Нега дейсизми?

Автобус юрганидан 5-6 дақиқа ўтар-ўтмас Янги қишлоқ деган жойда тўхтади. Шу билан ҳар 5-10 км да тўхтаб одам тушираётган ёки кейинги бекатда туширишга яна одам оладиган бўлиб қолишди ҳайдовчи амакилар. Ўзингиз тасаввур қилиб кўринг, иссиқ ҳавода чўлда тошбақадек секин юрадиган автобус яна ҳар 5 дақиқада "дам олиб" турса. Шундай қилиб, тез-тез танаффусли йўлимизда яна бир "ишкал" чиқиб қолди. Гулистонга етмасдан бир чекка жойда автобус балонига бир нарса бўлди шекилли, роппа-роса 2 соату 10 дақиқа ҳайдовчи балон олдида гирдикапалак бўлди қолди. Ҳайрият, яна йўлга тушдик. Йўлга тушдигу, яна ҳалиги танаффусли "дам олиш"лар бошланди. Ҳамма йўловчиларнинг жиғибийрони чиқиб турган бўлсада, негадир ҳеч кимса ҳайдовчига ҳеч нарса демасди. Охири, бир нуроний отахоннинг жаҳли чиқди:

— Инсоф деган нарса борми ўзи сенда, шопир болам?! Ўзи балонинг билан қанча ушланиб қолдик.Ундан кейин ҳам 100 сўм-200 сўм учун шаҳарнинг ҳар бекатига тўхтатиб кетаяпсан. Ахир, сенинг бу автобусинг шаҳарлараро қатнаш учун мўлжалланган бўлса, шаҳар ичига эмас-ку. Биз шошилиб турган бўлсак.

— Э, бўлди қилинг, отахон,- жеркиди ҳайдовчи. — Биз "план" топширишимиз керак. Улар ҳам сизга ўхшаган йўловчилар бўлса.

Гулистон шаҳридан ўтаётганимизда йўлда бир аёл икки қўлини баландга кўтариб, қандайдир имо-ишора қила бошлади. Аёлни бу ҳолатда кўрган ҳар қандай одам унга қандайдир ёрдам керак, деб ўйлаши аниқ эди. Автобус тўхтаб, ҳайдовчимиз билан бир нималарни савдолашишига қараганда, бу аёлда қандайдир ноқонуний маҳсулот бор бўлиб, уни ДАН ходимларига билдирмасдан ўтказиб бериш керак эканлигини сезиб қолдим. Сезиб қолдим дейиш нотўғри, буни ҳамма йўловчилар билди. Ҳайдовчи билан аёл бир тўхтамга келишгач, хотиннинг ёрдамчилари кутиб туришган шекилли, тезликда юкларни автобусга жойладилар. Ҳалиги нуроний отахон йўловчиларга қараб:

- Э, одамлар, бу нима деган гап? Сизлар ҳам бир нарса денглар, ахир бу инсофсизларга. Шунча куттиргани етмагандай, ноқонуний молларни яширинча ўтказиш билан элга хиёнат қилиб, бизни ҳам шу хиёнатга шерик қилмоқчи-ку!

Яна йўлимизда давом этдик. Одамлар ҳам гўё ҳеч нарсадан бехабардек индамай ўтиришарди. Ҳайдовчи эса, ҳар бир ДАН пунктидан ўтганида "Ўҳ, худога шукр" деб борарди. Ҳеч бўлмаса, жиноят қилаётиб, худони тилга олмаса эди, бу одам!

Шу куни уйга кеч соат 22.30 да кириб бордим. Кўнглимда эса ғашлик. Фақатгина уйга кеч келганим учун эмас, балки одамларимизнинг аксари пул деб одамгарчилик, инсоф, бир-бирига ҳурматни йўқотаётганлиги юртга, халққа хиёнат қилаётганлиги менга анчагача уйқу бермади.

Саодат ЖАББОРОВА,
талаба.

«ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ»НИНГ БЕШИНЧИ ТОМИ НАШРДАН ЧИҚДИ

Яқинда юртимиз тарихи ва бугуни, аждодларимизнинг ҳаёти ҳақида қимматли маълумотларни ўзида жамлаган «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»нинг навбатдаги бешинчи томи нашрдан чиқди. Жумладан, унинг ушбу томида «Mahalla» газетаси, унинг фаолияти ҳақида ҳам атрофлича маълумотлар берилган.

● Маҳалла обод - юрт обод

ҲАШАР ЭЛИМИЗГА ЯРАШДИ

Тошкент шаҳри

Ўтган шанба - 16 август куни ҳаво ҳарорати 40 даражадан ошган бўлса-да, бу республикамиз бўйича эрта билан бошланган меҳнат жараёнига таъсир этолмади.

Бундай кўтаринки руҳ кечгача давом этди. Узоққа бориб ўтирмай, пойтахтимизда амалга оширилган айрим тадбирлар хусусида тўхталсак. Энг катта - Тошкент халқа йўли икки чеккаси хас-хашақдан тозаланди, унга туташган баъзи кўчалар асфалтланди ёки таъмирланди. Дарахтлар оқланди, гулзорлар парваришланди, бўш ўринларга қайта гуллар экилди, суғорилди, сув шоҳобчалари тозаланди, бекатлар тартибга келтирилди. Бозорларда санитария-гигиена талабларидан келиб чиқадиган вазифалар амалга оширилди. Чунончи «Олой» бозорида барпо этилаётган янги замонавий корпус атрофи тозаланиб тартибга келтирилди. Бу иншоот мамлакатимиз Мустақиллиги 12 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилади. Шаҳри-азимнинг катта кўчаларидан бири бўлган - Амир Темур кўчасида ҳам белгиланган юмушлар ниҳоясига етказилди. Хиёбонлар, маданият ва истироҳат боғларида уюштирилган ҳашарлар улар кўркини янада оширди, ариқлар ва кўллар сувлари зилол ҳолатга келтирилди.

Яна шуни алоҳида қайд этиш керакки, пойтахтимизда маиший чиқиндиларни марказлашган ҳолатда ташиб кетиш тажрибаси ўзини оқламоқда. Яъни, бир неча кўча учун мўлжалланган мосламалар чиқиндиларга тўлган замоно олиб кетилади. Унинг атрофини ифлослантирмаслик, тўпланган чиқиндиларни кечиктирмасдан ташиб кетилиши учун эса махсус назорат қиладиган хизматчи жавоб беради. Бир неча йилдан буён амал қилаётган бундай усул айтиш мумкинки, ўзин тўла оқлаётир. Бунда биринчидан, фуқароларнинг истаган жойларига ахлат тўкишлари, иккинчидан, турли юқумли касалликлар тарқалишининг олди олинди.

Шунингдек, Умумхалқ ҳашари куни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирларида иштирок этолмайдиганлар бўлиши ҳам табиий ҳол эди. Масалан, дейлик, кўп қаватли биноларда жойлашган идора, ташкилот, муассасалар ходимлари ўз иш жойларини тартибга келтирдилар, кеча битиролмаган юмушларини шу куни ниҳоясига етказдилар.

Албатта, ҳашарда катта кўламли ишларга ҳам қўл урилди. Уни бир кунда уддасидан чиқиш қийин бўлгани сабабли сўнгги муддат қилиб улуғ байрам арафаси белгиланди. Умумхалқ ҳашаридан кўзланган асосий мақсад ҳам Мустақиллик санасига тайёргарлигимизни яна бир марта кўрикдан ўтказиш эди. Шу муносабат билан республикамиз ҳукумати қабул қилган Фармойишда мамлакатимизда санитария-эпидемиологик аҳволни янада яхшилаш, маҳаллалар, мавзелар ва аҳоли гавжум жойлашган ҳудудларда ободонлаштириш ишларини янада жонлантириш каби муҳим масалаларни амалга ошириш кўзда тутилганди.

Фармойишда яна ҳашар муносабати билан мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча корхона, ташкилот ва муассасалар томонидан «Маҳалла» хайрия жамғармасининг банкдаги жорий ҳисоб рақамига бир кунлик иш ҳақи миқдорида маблағ ўтказилади, дейилган. Унинг мазмун-моҳияти шундан иборатки, жамғармага тушган пул яна қайтиб аҳоли манфаатлари учун сарфланади: - янги гузарлар қурилади, кўчалар асфалтланади, маданий-маиший ва маърифий шаҳобчалар очилади, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган яккаёлғизлар сингари эҳтиёжманд фуқароларга моддий ёрдам кўрсатилади. Қисқа қилиб айтганда, бу тушумлар «Обод маҳалла йили» дастурида назарда тутилган мақсадли йўналишларга сарфланади. Мазкур ҳақни ўз муддатидан кечиктирмай ўтказиш эса, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларини янада тезроқ амалга ошириш имконини берган бўлур эди.

А.НАБИЕВ.

3-саҳифада

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви ҳисоб-рақами:
20212000300153649001; МФО 00444; ОКОНХ 98600; «Ипак йўли» Инновация тижорат банки ИНН 200896691

Обуна-2003

Mahalla



-Яна нима дейди?
-Мустақиллик байрамига яқин қолди, дейди!

● "Футболимиз келажаги" кундалиги:

ГУРУҲЛАР ҒОЛИБЛИГИ УЧУН

Айни кунларда Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси томонидан анъанавий тарзда ўтказилаётган "Футболимиз келажаги" футбол турнирининг Истиқлолнинг 12 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган ушбуқ йилги баҳсларининг республика босқичи гуруҳлар ғолиблиги учун беллашувлари ўтказилмоқда.

15-16 ёшли ўсмирлар ўртасида А-гуруҳида Бухоро, Хоразм, Навоий вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси ғолиблари куч синашдилар. Бу гуруҳда мезбонлар Бухоро тумани Н.Ашуров номли маҳалла ёш футболчилари ғолиб бўлдилар. Андижон шаҳрида беллашган Д-гуруҳидаги Фарғона, Андижон, Наманган вилоятлари ғолиб жамоалари ўртасида ғалаба андижонликларга насиб этди. Қолган гуруҳларда саралаш ўйинлари давом этмоқда.

Шунингдек, 11-12 ёшлилар ўртасидаги ҳам А-гуруҳига жамланган жамоалар куч синашдилар. Хоразмнинг Хазорасп тумани Овшар маҳалласи футбол жамоаси навоийлик, нукуслик тенгдошларини доғда қолдириб, бухоролик тенгдошлари билан дуранг натижасига эришдилар.

В-гуруҳида Самарқандда Қашқадарё, Сурхондарё ва Самарқанд вилоятлари ғолиблари ўзаро баҳслашиб, бу баҳсларда Самарқанд вилояти Иштихон тумани Д.Маҳмудов номли маҳалла жамоаси ғолиб бўлди.

Гулистон шаҳрида С-гуруҳи жамоалари муросасиз беллашдилар. Жиззах, Сирдарё, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ғолиб жамоалари ўртасида Тошкент вилояти Уста Нормат номли маҳалла жамоаси ғолиблик шоҳсупасига чиқди.

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр кўрсаткичи: 148
Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй
Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

Таҳририятга келган хат ва мақолалар таҳрир қилинмайди ва эгаларига қайтарилмайди.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

Таҳририят

«ЛОКЕРБИ ИШИ» ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИДА

Буюк Британия БМТ Хавфсизлик кенгашига Ливияга жорий этилган иқтисодий жазони бекор қилиш тўғрисидаги резолюция лойиҳасини тақдим этди.

1988 йили Шотландиянинг Локерби шаҳри осмонида «Пан Америкэн» компаниясининг «Боинг» йўловчи самолёти террорчилар томонидан портлатилган эди. Ушбу ҳалокат 270 кишининг умрига зомин бўлди. Бу қўпорувчиликда Ливия махфий хизмати ходимларининг қўли борлиги маълум бўлгач, халқаро ҳамжамият иқтисодий жазо жорий қилди.

БМТ вакилларининг таъкидлашича, Буюк Британия тақдим этган мазкур ҳужжат чоршанба куни муҳокамага қўйилиши мумкин. Бироқ овоз бериш муддати ҳали аниқлангани йўқ. Чунки, Ливия ўз зиммасига олган 2,7 миллиард АҚШ долларига тенг товон пулининг ҳаммасини Базелда жойлашган халқаро ҳисоб-китоблар банкига ўтказганича йўқ. Бу маблағ ҳалок бўлган 270 нафар йўловчининг оила аъзоларига берилиши керак. Ливиянинг тавонни тўлалигича тўлаши халқаро жазони бекор қилишнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Шартларнинг яна бири ушбу жиноятнинг Ливия томонидан расман тан олиниши эди. Триполи бу шартни бажарди.

Иқтисодий жазонинг бекор қилинишига Франция монеълик қилиши мумкин. У Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзоси сифатида вето ҳуқуқига эга. Франциянинг Ливияга алоҳида даъвоси бор. Париж талабига кўра, Ливиянинг қўли бор, деб ҳисобланаётган бошқа авиаҳалокат натижасида қурбон бўлганларга бериладиган товон миқдори ҳам оширилиши керак. Гап эса, 1989 йили Нигер осмонида уриб туширилган Франция самолёти ҳақида бормоқда. Ушбу фожеа 170 кишини ҳаётдан олиб кетган эди. Уларнинг 65 нафари Франция фуқароси бўлган.

Франция ташқи ишлар вазирлиги тарқатган баёнотда айтилишича, ушбу масала бўйича музокараларда муҳим силжиш кузатилмоқда. Баёнотда таъкидланишича, мазкур масаланинг ижобий ечим топиши иқтисодий жазо бекор қилинишида муҳим аҳамиятга эга.

АҚШ ҳукумати эса «Локерби иши»га бошқа авиаҳалокатларнинг қўшилишини истамаяпти. Душанба куни давлат департаменти вакили Ричард Баучер, «Локерби иши» якун топишига ҳеч нарса халақит бермаслиги керак, деган мазмунда баёнот берди. Шунга қарамай, у АҚШнинг Нигер осмонида юз берган фожеа ҳалок бўлган Франция ва бошқа мамлакатлар фуқароларининг яқинларига ҳамдард эканлигини маълум қилди.

Ўн беш йилдан буён давом этиб келаётган «Локерби иши» ниҳоят якун топмоқда. Буюк Британия тақдим этган резолюция лойиҳаси Хавфсизлик кенгашида маъқулланса, Ливия қайталаш дунёнинг барча давлатлари билан иқтисодий ҳамкорликни бошлаши мумкин.

Саидмурод РАҲИМОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

● Ифтихор туйғуси

"ЖИЗЗАХ МАҲАЛЛАЛАРИНИ ХОРИЖДА ҲАМ БИЛИШАДИ"

Муқимжон ҲАСАНОВ,
Жиззах вилояти Оқсоқоллар кенгаши,
"Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими раиси.

Ўтаётган ҳар бир кунимиз юртимиз Мустақиллигининг 12 йиллик байрамини яқинлаштирмоқда. Айниқса, биз — маҳалла тизими ходимлари учун ушбу йил мазмундор ва файзли ўтмоқда. Умуман, ушбу йилнинг Обод маҳалла йили деб эълон қилиниши, йил бошидан буён шу муносабат билан амалга оширилаётган тизим фаолиятига оид ижобий тадбирлар самараси ҳар қандай кишини қувонтиради. Шу ўринда қувонч ила таъкидлаймизки, вилоятимиз маҳаллалари фаолиятидаги муваффақиятлар, яратувчанликка интилиш "Обод маҳалла йили" дастурини амалга ошириш ишига муносиб улуш бўлиб қўшилмоқда.

Вилоят Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси бўлими йил бошида дастур асосида режалар белгилаб аниқ мақсадлар кўзланганди. Бу режа ва ниятларимиз саъй-ҳаракатларимизда ўз аксини топмоқда. Айниқса, Наврўз байрами муносабати билан ўтказилган тадбирлар маҳаллалар фаолиятининг фуқароларимиз ҳаётида нечоғлик аҳамиятли бўлиб бораётганини кўрсатди. 1-Умумхалқ ҳашарида 486 минг 500 нафар киши иштирок этди. Бўлимимиз ҳисобига тушган маблағ вилоятимиз миқёсида турли фойдали тадбирларнинг кўпайишига имконият яратмоқди. Албатта, бу ишларнинг бошида маҳалла йиғинлари, уларнинг оқсоқоллари ва фаоллари турибдилар. Умуман, бугун юртимиздаги ҳар бир маҳалла яхши тадбирларнинг ташкилотчиси ва ижрочисига айланган, дейиш ўринлидир.

Айни пайтда вилоятимизда 260 дан ортиқ ўзини ўзи бошқариш органлари фаолият юритмоқда. 2,5 мингдан ошиқ кўча оқсоқоллари ва маҳалла жонкуярлари маҳалла оқсоқолларининг ҳар ишда маслакадоши, кўмакдошидирлар. Уларнинг фаолиятларини рағбатлантириш, тизимдаги илғор тажрибаларни оммалаштириш ишида Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви томонидан анъанавий тарзда ташкиллаштирилаётган кўрик-танловларнинг аҳамияти беқиёсдир. Бу йилги "Энг обод маҳалла" республика миқёсидаги кўрик-танловда вилоятнинг 243 та ўзини ўзи бошқариш органлари иштирок этди. Танловнинг вилоят босқичида Жиззах шаҳридаги Алишер Навоий номли маҳалла биринчи ўринни эгаллаб, бошқа вилоятларнинг ғолиблари билан куч синашди.

Маҳаллаларимизда болалар спортини ривожлантириш борасидаги тадбирлар ҳақида алоҳида тўхталиш жоиз. Жорий йилда 24 та спорт мажмуи таъмирланди. Шаҳар ва туманларда таътил вақтида ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, уларни спорт билан шуғулланишга жалб қилиш мақсадида ўқув юртлари ва мактаблар билан ҳамкорликда мусобақалар ўтказилмоқда. Айниқса оилавий спортни ривожлантириш бўйича маҳаллаларнинг олиб бораётган тадбирлари ўз самарасини бермоқда. "Соғлом оила" оилавий спорт мусобақаларининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ғолиблари ўртасидаги беллашувда бизнинг вакилларимиз шоҳсупанинг юқори поғоналаридан жой олди. Маҳалла болалари ўртасида ўтказилаётган "Футболимиз келажаги", "Маҳалламиз паҳлавонлари" анъанавий мусобақаларида футбол ва курашда минглаб иқтидорли ўсмирларимиз кашф этилмоқда.

Бўлимимиз вилоят маданият ишлари бошқармаси билан ҳамкорликда Мустақиллигимизнинг 12 йиллигига бағишлаб "Жиззахимнинг оқшомлари" дам олиш кечаларини ўтказиш ташаббускори бўлди. Вилоятимиз аҳли Фаввора майдони, Боғишамол оромгоҳи масканларида ҳафтанинг ҳар шанба, якшанба кунлари дилочар кечалар ташкил этяпти.

Маҳаллаларда аҳолини иш билан таъминлаш, тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ҳисобига қўшимча иш ўринлари ташкил этиш бугунги кунда фаолиятнинг муҳим жиҳатига айланган. Маҳаллалар ҳудудида ишлаб чиқаришни ташкил этишда бир нечта ташкилотнинг ўзаро ҳамкорлиги яхши самара бераётир.

Ҳозирги кунда маҳаллаларимизда жамоатчилик иштирокида ҳашар йўли билан қурилган 36 та замонавий гузар аҳолига хизмат қилмоқда. Бу гузарларда ўнлаб йўналишда аҳолига маиший-маданий хизмат кўрсатилмоқда. Энди маҳалламиз фуқаролари олис йўл босиб, вақт сарфлаб марказларга бориб юрмайдилар. Ўз ҳудудларидаги гузарлардан ўзлари хоҳлаган молларни харид қилишлари мумкин.

Вилоят маҳалла марказининг қуриб фойдаланишга топширилгани айни муддао бўлди. Бу маскан маданий—маърифий тадбирларни ўтказиш марказига ҳам айланиб қолди. Турли тантаналар, маданий тадбирлар ўтказишдан тушаётган маблағ маҳаллаларнинг иқтисодини мустаҳкамламоқда. Бундай марказлар нафақат Жиззах марказида, балки туманларда ҳам бунёд этилаётир. Қисқа муддат ичида Бахмал туманида ана шундай марказ қурилди.

"Обод маҳалла йили" дастури бажарилишининг 6 ойлик якунлари бўйича республика кўриги ғолиблари орасида бизнинг маҳаллаларимиз ҳам борлигидан фахрланамиз. Бу йил Наврўз байрамида гузар қуриб фойдаланишга топширишда бош—қош бўлган, аҳолини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашда кўрсатган жонбозлиги, ҳамда болалар спортини ривожлантириш борасидаги намунали ишлари учун Ғаллаорол тумани Олимлар маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Бойзоқ Раҳмонов кўрик-танлов ғолиби бўлди ва қимматбаҳо совға билан тақдирланди.

Вилоятимиз маҳаллалари ўзларининг ишлаб чиқариш ҳудудларига эга. Улар бу майдонларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирадилар. Хусусан, вилоят "Маҳалла" жамғармаси 55 тонна ғалла етиштириш режасини амалга ошираяпти. Бахмал, Ғаллаорол, Зарбдор туманларидаги маҳалла жамғармалари деҳқонларининг ишларини алоҳида таъкидлаш керак. Шу йўл билан маҳаллаларнинг иқтисоди мустаҳкамланади, ҳисоб рақамларига мўмай даромад келади. Ижтимоий кўмакка муҳтожларга ёрдам кўрсатилади.

Жиззах маҳаллалари довруғи чет элларга ҳам ёйилди. Бир қатор хориж давлатларидан ташриф буюрган меҳмонлар маҳаллалар фаолиятига юқори баҳо бердилар, ҳавас қилдилар. Демак, маҳаллаларимизнинг халқаро нуфузи ҳам ошиб бормоқда. Ўтган давр мобайнида халқаро Конрад Аденауэр жамғармаси, Европада Ҳамкорлик ва Хавфсизлик ташкилоти, Ўзбекистон Олий Мажлиси Европа иттифоқи комиссияларининг семинарлари ўтказилгани шундан далолат беради.

Қорақалпоғистон Республикаси

ХЎЖАЙЛИ БАЙРАМ ОҒУШИДА

Энг азиз ва мўътабар байрам — мамлакат мустақиллигининг 12 йиллигига барча жойларда бўлгани каби Қорақалпоғистон Республикаси, жумладан Хўжайли туманида ҳам уюшқоқлик билан тайёргарлик кўрилди. Шу муносабат билан ўтказилган барча катта-ю кичик тадбирлар "Обод маҳалла йили" дастури билан уйғунлашиб кетди.

Яқинда биз мазкур туманда бўлиб, "Маҳалла" жамғармаси Қорақалпоғистон бўлими, маҳаллалар ва овул фуқаролар йиғинларида умумхалқ байрамининг қай тарзда кутиб олинаётганлиги билан қизиқдик. Баъзи ўринларда ўтказилган давра суҳбатлари иштирокчиларининг фикрларини қоғозга туширдик.

Муродбой ИСМОИЛОВ: — "Маҳалла" жамғармаси Хўжайли туман бўлинмаси раиси.

- Туманимиздаги овул фуқаролар йиғинлари, Хўжайли шаҳридаги маҳаллаларда дастурни ҳаётга татбиқ қилиш борасида қатор тадбирлар адо этилди. Икки марта умумхалқ ҳашари ўтказилди. Аҳоли яшаш жойларини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари доимий равишда ўтказилиб борилиши таъминланаётир.

"Обод маҳалла йили" дастурига биноан шаҳардаги 1-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари билан ўтказилаётган хилма-хил тадбирлар мароқли ва мазмундор бўлмоқда. Жумладан, бу ерда мустақилликнинг дастлабки йилида туғилган 22 нафар ўғил-қизларнинг мучал тўйлари ўтказилиши, шубҳасиз болаларнинг онгида умрбод муҳрланиб қолади. Болалар спортини ривожлантириш кенг кўламда бошлаб юборилди. Ўнлаб спорт иншоотлари қурилди ва таъмирланди. Умумий қиймати 60 миллион сўмлик марказий ўйингоҳ қайта таъмирланмоқда.

Шунингдек, "Маҳалламиз обод - юртимиз обод" шиори остида уюштирилган маҳаллалар, ўқув юртлараро кўрик-танловлар ҳам катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлди. Энг муҳими, миллий қадриятлар тикланишига, ёшларимизнинг мустақиллик моҳиятини теранроқ англашларига ўзига хос туртки бўлди.

Байрамолди энг муҳим тадбирлардан бири спортнинг 5 тури бўйича меҳнат жамоалари, ўқув юртлари, маҳаллаларо ўтказилган мусобақалар бўлди.

Олтин АТАШЕВА: — 4-маҳалла хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси.

—"Обод маҳалла йили" дастурига биноан "Она ва бола", "Никоҳ - муқаддас" мавзуларида тадбирлар ўтказилганини алоҳида таъкидлашни хоҳлар эдим. Натижада оилалар мустаҳкамлиги, айниқса, ёш келин-куёвлар тотувлигини таъминлашда маҳалладошларнинг роли, масъулияти янада ортди. Маҳалла - катта куч эканлиги яна бир бора амалда исботланди.

Бозорбой СУЛТОНОВ: — маҳалла оқсоқоли.

Бизнинг 4-маҳалламиз ҳудудида 1197 оила, 7200 дан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Аҳолимиз 8 та маиший, савдо ва маданий хизмат шохобчалари хизматидан баҳраманд. Яқиндан -"Люксембург-Қорақалпоғистон" қўшма корхонаси, "Даврон" ишлаб чиқариш цехи ишлай бошлади. "Обод маҳалла йили"да маҳалламизнинг барча аҳолиси тинч-тотув яшаётгани, яратувчанлик меҳнат қилаётгани, безорилик, жиноятчилик, оилавий можаролар юз бермётгани қувонарли ҳол. Бунда маҳалла фуқаролар йиғини қошидаги коммисиялар, фаоллар, милиция таянч пункти, посбонлар, айниқса профилактика нозири, милиция майори Имонғали Ўрмоновнинг хизматлари катта бўлмоқда.

Шахсан ўзим спорт билан мунтазам шуғулланганим сабабли, маҳалламизда спортга қизиқиш кучайди, ҳар хил тадбирлар ўтказиш, катта-ю кичик иншоотлар, майдончалар қуриш йўлга қўйиляпти. Футбол майдончаси ташкил этилди. Кураш, культуризм секциялари иш бошлади. Уларда 120 нафар болалар мунтазам қатнашяпти. Натижада маҳалламизда Қорақолпоғистон, мамлакатимиз, ҳатто халқаро миқёсда спорт мусобақалари ўтказила бошланди. Жумладан, Афғонистонда ҳалок бўлган овулдошимиз Мухтор Мадаминов хотирасига бағишлаб Қорақалпоғистон Республикаси ёш боксчилари турнири ўтказилди. Шу йил 11-16 май кунлари бўлиб ўтган спорт устаси Ўрозбой Убдиев хотира--турнирида мамлакатимиздан ташқари Туркманистоннинг Ашхобод, Тошҳовуз шаҳарларидан келган боксчилар ҳам фаол қатнашди. Маҳалла вакиллари 2 та олтин, 2 та кумуш медаллари олишди. Спортчиларимиз мустақилликнинг 12 йиллиги муносабати билан ташкил этилган республика мусобақаларида ҳам муваффақиятли қатнашмоқда.

Бозор БЕРДИЕВ: — Сарайкўл овул фуқаролар йиғини оқсоқоли.

— Овулдаги 10 та аҳоли яшаш пунктида ободонлаштириш юмушларида ёшуллилар бош-қош бўлаётгани яхши самара берди. Жумладан. "Обод маҳалла" дея ном олган 3,5 гектарли боғ ҳам кўпни кўрган қарияларимиз саъй-ҳаракатлари билан бунёд бўлаяпти. Боба оға Омонов, Араз ота Пирлепесов, Марат оға Нурғалиев сингари ўнлаб тажрибакор деҳқонларимиз барпо этган 4 гектардаги теракзор ҳозир одамлар корига яради.

Айни пайтда овул фуқаролар йиғини ҳудудидаги "Озодлик" ширкат хўжалиги деҳқонлари 1 сентябрь - Мустақиллик байрамини муносиб кутиб олиш мақсадида жонбозлик кўрсатмоқда. Айниқса, минг гектар ерга чигит эккан пахтакорлар ғўза ривожланишидаги 20-22 кунлик кечикишни қоплаш учун парваришни уюшқоқлик билан ўтказганини алоҳида таъкидламоқ зарур.

Бир сўз билан айтганда Қорақолпоғистондаги энг йирик Хўжайли туманининг барча маҳалла-ю овулларида байрам кайфияти ҳукмрон. Иншооллоҳ, мамлакатимизнинг ҳамма кенту - қишлоқларида бўлгани каби хўжайлиликларга ҳамиша яхши кунлар, байрамлар насиб қилаверсин.

Асилбек ИСКАНДАРОВ,
"Mahalla" мухбири.

Суратда: 4-маҳалла фаоллари ўзаро маслаҳатлашмоқда.

● Тахририятга мактуб

Тошкент вилояти

КЎП ЮРГАН КЎП БИЛАДИ

Обод маҳалла йили муносабати билан қабул қилинган Дастур бандларидан бири кексаларга ҳар томонлама моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш масаласига бағишланган эди.

Яқинда вилоят "Экосан" жамияти юқоридагиларга мувофиқ хайрли бир ишга қўл урди. Унинг бевосита кўмагида маҳалламиздан 34 нафар, қўшни маҳаллалардан 18 нафар киши Туркистон шаҳридаги Ҳожа Аҳмад Яссавий ҳазратлари мақбарасини зиёрат қилиб қайтишди. Саёҳатга борганлар у ердаги ўзгаришлар билан танишдилар. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини кўрдилар.

Азим СЕРИКБОЕВ.

Зангиота тумани Хонобод қишлоғи Дадахўжаев номли маҳалла.

● Бу қанақаси?

Қашқадарё вилояти

ШИКОЯТ СОХТА ЭКАН...

Тахририятимизга Қашқадарё вилояти Косон тумани Сарипул маҳалласидан келган шикоят хатига Шароп Рўзиев, Шароф Нашвандович Яҳёев, Яҳё Рўзиев, Қобил Ҳайдаров, Мейли Нашвандов, Сожида Ҳайдарова, Кенжа Сирожевлар номи битилган бўлиб, имзолар ҳам бор эди. Ушбу мактуб юзасидан Косон тумани ҳокимлигидан қуйидаги мазмунда жавоб хати олдик:

«Косон тумани Сарипул маҳалласида «яшовчи» Ш.Рўзиев ва бошқаларнинг Республика «Mahalla» газетаси таҳририятига юборган шикоят аризаси туман ҳокимлиги томонидан ўрганиб чиқилди.

Аризага имзо чеккан муаллиф ва бошқа исми-фамилиялари кўрсатилган фуқаролар Сарипул маҳалласида яшамасликлари, хатдаги имзолар сохта эканлиги аниқланди.

(Сарипул маҳалла фуқаролар йиғини маълумотномаси илова қилинади.)

Сарипул маҳалласи Косон тумани марказида жойлашган. Аҳолиси 3011 кишини ташкил қилади. Маҳалла ҳудудида иккита ўрта мактаб, иккита савдо ташкилоти, электр тармоқлари корхонаси, мудофаа ишлари бўлими, иккита мактабгача тарбия муассасаси, болалар шифохонаси, «Меҳригиё», «Феруза» савдо марказлари, Халқ банки шохобчаси, хавфсизлик хизмати, ўзини-ўзи бошқарувчи 8 та кичик корхона, жиноий ишлар бўйича суд, ЗАГС бўлими, туман халқ таълими ва бир нечта хусусий овқатланиш шохобчалари мавжуд.

«Обод маҳалла йили» Дастури асосида маҳаллада режалаштирилган ишлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда маҳаллада Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллиги байрамига тайёргарлик ишлари қизғин кетмоқда. Кам таъминланган оилаларга, ногиронларга меҳр-мурувват, саховат кўрсатилмоқда.

Маҳалла кўчаларини таъмирлаш, асфалтлаш ишлари ҳомийлар, тадбиркорлар ёрдамида амалга оширилмоқда.

Маҳаллада болалар ўйингоҳи яқин кунларда ишга туширилади.

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳошим Бақоев «Маҳалламиз - фахримиз» китобининг муаллифи бўлиб, унда маҳаллада истиқомат қилаётган инсонлар ҳаёти, улар олиб бораётган ишлари ҳақида ҳикоя қилинган.

Косон тумани ҳокимининг ўринбосари Исмат ОЧИЛОВ.

ТАҲРИРИЯТДАН: Ҳар бир хат орқасида мамлакатимиз фуқаролари ҳаёти акс эттирилишини ҳисобга олиб, уни беоқибат қолдирмаймиз. Аммо кимнингдир (балки кимларнингдир) бундай иш тутиши на жамиятга, на уларнинг ўзларига фойдаси тегмаслигини, аксинча, ортиқча оворагарчиликни юзага келтиришини уларнинг ўзлари сезишмаса.

● Ҳамқишлоқлари ёдида юрган одам

Сурхондарё вилояти

"ҲОРМАНГ, БИЗГА НИМА ХИЗМАТ БОР"— ДЕЙДИ ДОИМ НОСИР ОТА

Араб мутафаккири Абу ал-Маъорий: "Кишиларга яхшилик қилмаган кунимни умрим ҳисобига қўшмайман" деганда нафақат ўзини, балки сариосиёлик миришкор боғбон Носирхон ота Тўрақуловга ўхшаган кишиларни ҳам назарда тутган бўлса ажаб эмас.

Ҳадемай у умрининг етмиш баҳорини қаршилайди. Лекин куч-ғайрати, шижоати, умид-орзулари, одамлар ташвишини камайтиришга бўлган истаги унга тинчлик бермайди. Ўзи Ўзбекистон қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Газарак қишлоғида туғилган. Ундан сал нарироқда - Г.Хидиров номли ширкат хўжалигида фаолият юритса ҳам, ҳамқишлоқларини ҳеч қачон ёдидан чиқармайди. У улғайган қишлоқдаги маҳалланинг номи ҳам Газарак. Н.Тўрақулов бошлиқ фермер хўжалигининг номи яхши ният билан "Боғу бўстон" деб аталган. Айни пайтда унинг исми жисмига монанд. Лекин бундан саккиз йил аввал хўжаликка ажратилган майдонлар паст-баландлик, ташландиқ ерлардан иборат эди. Бекорга инсон қўлини гулга қиёслашмайди. Техника ёрдами ва деҳқонлар куч-ғайрати билан ялми ер улар измига бўйсунди. Тўрт йил ичида - олма, ўрик, шафтоли, анор, узум ва бошқа мевали кўчатлар шигил ҳосилга кирди. Фермер хўжалиги аъзолари шартномавий режасини бажаргач, қолган маҳсулотни ўз эҳтиёжлари учун, ундан ҳам ортганини эса хоҳлаган истеъмолчига сотиш имконига эга бўлдилар.

Ҳукуматимиз томонидан яратиб берилган бундай қулайлик деҳқонлар ғайратига яна ғайрат қўшди. Шахсий ва умумманфаатдорлик туйғуси ер унумдорлиги ҳамда боғ ҳосилдорлигини кескин оширишга туртки бўлди. Даромад бир неча баробар ортди.

Ўзбек халқ ҳикматларида: "Ерни гўзал қилгани сайин, гўзал бўлур ўзи ҳам инсон" дейилади. Албатта, бу ерда гап инсоннинг қиёфаси тўғрисида эмас, балки ички маънавиятидаги гўзаллик хусусида бормоқда. Ва шундай инсонлар қаторига олий маълумотли, ҳаётий бой тажрибага эга Носирхон отани қўшгимиз келади. Чунки...

- Чунки, - дейди Газарак маҳалла фуқаролар йиғини раиси Б.Олимов, - миришкор боғбоннинг саховати, мурувватидан баҳраманд бўлаётган фуқаролар, мактаблар, боғчалар анчагина. Шуниси диққатга сазоворки, бу бегараз ёрдамларни у киши ўз ташаббуслари билан ихтиёрий амалга оширадилар. Масалан, Тоқчи қишлоғидаги мактаб биноси жорий таъмирдан чиқарилаётганда Носирхон ака "Ҳорманг, бор бўл"дан кейин: "Бизга нима хизмат бор?" деб мактаб директорига мурожаат қилди. Хуллас, у киши 120 ўринли янги синф хоналарини қуриб бериш ва жиҳозлаш харажатларини ўз бўйниларига олдилар. Бу - 3 миллион сўмлик маблағ фермер хўжалиги ҳисобидан тўланади, деган гап эди.

Аслида ҳам шундай бўлди. Ўша бурноғи йилнинг ўзида яна шу мактабнинг 235 нафар ўқувчисига мактаб кийимларини тортиқ қилди. Ушбу мақсад учун эса 1 миллион 645 минг сўм сарфланди.

Дунёда ҳар хил феъл-атворли одамлар мавжуд. Шундайлари ҳам борки, ўзига данғиллама уч қаватли иморат қуради, ёнгинасида қўшниси юзта ғиштга зорлигини билади-ю, аммо битта ғиштни ҳам унга беришни раво кўрмайди. Фақат ўзини ўйлайдиган, шахсий бойлик ғамлашдан бошқа нарсани билмайдиган кимсаларни кўриб: "Шунча нарсангни қайси дунёга олиб кетмоқчисан?" деб сўрагинг келади.

Суратда: Носирхон ота ҳосил йиғмоқда.

Носирхон ота билан гурунглашиш асноси юқоридаги фикрларни айтишдан ўзимизни тиёлмадик. У мулоҳазаларимизни ғоят вазминлик билан тинглаб, уларга жавобан Абдураҳмон Жомийнинг икки мисра шеърини ўқиди:

Қолдирай десанг жаҳонда яхши ном,
Яхшилик қил, яхшилик қилгин мудом.

Яхшилик қилганда ҳам уни пеш қилмай, пинҳона қилиш керак, - деди у. - Чунки халқимиз орасида "Миннатли ошдан беминнат тош афзал" деган мақол бежиз юрмайди. Мен ўз бурчимни бажаряпман, холос.

Ҳа, дарвоқе, яхшиликни охиригача, бутун қил, деган ҳикмат ҳам бор. Носирхон ота Тўрақулов ҳам шундай кўнгли кенг, қўли очиқ, саховатпеша инсонлардан бири. Мактаб ўқувчиларига кийим-кечак олиб бергандан сўнг уларни дарсликсиз қолдиргиси келмади. Қишлоқ фарзандларини 1 миллион сўмлик ўқув китоблари билан таъминлади. Отахон қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш учун ҳам баҳоли қудрат ўз ҳиссасини қўшмоқда. Жумладан, Токчида шифохона, сартарошхона, пойабзал тузатиш устахонаси, савдо дўкони ва новвойхоналар қурилиши учун ҳам тегишли маблағ ажратди. Газарак маҳалласида кичик тадбиркорликни шакллантириш ниятида ўндан зиёд қизларни тикувчилик касбига ўргатди ва зарур жиҳозларни харид қилиб берди.

Ҳудуддаги автомобил йўлининг 2 километрини асфалтлашга маблағ ажратди. Мурувват уйига 100 минг, аллома ат-Термизий юбилейига 250 минг, Газарак, Тотули ва Ғалаба маҳаллаларидаги кам таъминланган оилаларга 380 минг, олий ўқув юрти талабаларини моддий қўллаб-қувватлаш учун 320 минг сўмлик маблағини тортиқ қилди. Бу рақамларни яна санайвериш мумкин. Агар кейинги қарийб уч йил мобайнидаги отанинг мурувватларини жамлайдиган бўлсак бу кўрсаткич сал кам 8 миллион сўмни ташкил этади.

Мурувватли Носирхон ота Тўрақулов шеъриятни қадрлаганлари боис сўзимизни ҳам икки мисра шеър билан мухтасар қилсак:

Одамда бўлса гар яхши тилак, Халқ учун тебраттуси доим билак.

Абдунаби МАННОПОВ,
Омон ШУКУРОВ,
"Mahalla" мухбирлари.

Мухбирларимиз хабар қилади

ҲАШАР ЭЛИМИЗГА ЯРАШДИ

Фарғона вилояти

***

Фарғона вилоятида ҳам «Обод маҳалла йили» ва Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллигига бағишланган умумхалқ ҳашари кўтаринки рухда ўтди. Бу ҳашарда қатнашганлар бир кунлик иш ҳақларини вилоят «Маҳалла» жамғармаси ҳамда жойлардаги бўлинмалари ҳисоб рақамига ўтказишга ва уни маҳаллалар ободончилиги, тозалиги ҳамда болалар спортини ривожлантириш учун сарфлашга қарор қилдилар.

Шу куни кечки пайт Фарғона шаҳридаги ўйингоҳ вилоят шаҳар ва туманларидаги маҳаллаларнинг минглаб илғор вакилларини, меҳмонларни ўз бағрига олди. Бу ерда «Ўз юртингни ўзинг обод қил» шиори остида маҳалла кунлари вилоят босқичининг тадбирлари ўтказилди. Уни вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Г.М.Маъруфова очиб шундай деди:

- 2003 йилни Обод маҳалла йили деб эълон қилиниши халқимиз фаровонлигини, ўйлаб амалга оширилаётган ишларимизни янги босқичга кўтарди. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ Президентимиз томонидан илгари сурилган «Биздан озод ва обод ватан қолсин» деган ғоя ҳар биримизнинг қалбимиздан мустаҳкам ўрин олди.

Вилоятимизда кейинги йилларда қурилган замонавий турар жойлар, маданий-маиший бинолар, маҳалла гузарлари, спорт иншоотлари фикримизнинг исботидир.

Шу куни Обод маҳалла йили муносабати билан ўтказилаётган кўрик-танловнинг ғолиблари ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлди. Унда ўндан ортиқ номинация бўйича вилоят кўрик-танловининг якуний натижасига кўра ғолиблар номи эълон қилинди ва уларга қимматбаҳо совғалар топширилди. Совғаларни вилоят ҳокими ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Г.М.Маъруфова, вилоят оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси Т.Ҳафизов, Фарғона шаҳри ҳокими Р.Болтабоев ва бошқалар топширдилар.

Санъаткорлар байрам тадбирига кўтаринки руҳ бағишладилар.

«Mahalla» мухбири.

***

Ҳашар - ўзбек халқига хос қадимий анъаналардан биридир. 16 август куни ўтказилган Умумхалқ хайрия ҳашарида 568.000 нафардан ортиқ киши иштирок этди. Вилоят марказида бунёд этилган Навоий боғи, Навоий тоғ металлургия комбинати, Навоиазот бирлашмаси, Навоий цемент заводида уюштирилган тадбирда минг-минглаб кишилар иштирок этишди.

Навоий вилояти

Вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида, маҳаллаларида, гузарларида ҳашар уюшқоқлик билан ўтказилди. Айниқса, Нурота, Навоий, Хатирчи, Навбаҳор туманлари фуқароларида кўтаринки руҳ сезилиб турди. Шу куни 8 миллиондан ортиқ дарахтлар оқланди. 4300 тонна ахлат ва чиқиндилар ташқарига чиқарилди. 4,5 млн.дан ортиқ гул кўчатлари ўтказилди. Ариқ ва зовурлар тозаланди. Кишилар ўз ҳовлилари, кўчалари, маҳаллаларида кенг кўламда ободонлаштириш ишларини олиб бориб, уларни кўркам, чиройли ҳолатга келтирдилар. Ҳашардан тушган маблағ вилоят "Маҳалла" жамғармаси ҳисоб рақамига ўтказилмоқда.

Ҳабибулла ҲОШИМОВ,
"Mahalla" мухбири.

Долзарб мавзу

ИШСИЗЛИК МУАММОСИ

У қандай бартараф этиляпти?

Президентимиз Ислом Каримов шу йил май ойида Фарғона вилоятида бўлган вақтида ислоҳотларнинг бориши, одамларнинг турмуш шароити, шаҳар-қишлоқларда кенг, равон кўчалар, маҳалла гузарлари, гулзорлар барпо этилаётгани ва бошқа масалалар билан танишиб, ободончиликни янада кучайтириш, ишсизлик муаммоларини ҳал этиш бўйича таклиф, тавсия ва йўл-йўриқлар берган эди. Мухбиримиз вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи Шокиржон ҒАНИЕВ билан суҳбатлашди.

- Ҳозирги вақтда вилоятимизда 2 миллион 773 мингдан ортиқ аҳоли бор. Уларнинг ярмидан кўпи меҳнатга яроқли кишилардир. Ўтказилган мониторинг натижаларига кўра, вақтинча ишламаётганлар 32 минг кишини ташкил қилади. Шаҳар ва туман меҳнат бўлимларимиз дахлдор ташкилот ҳамда корхоналар билан ҳамкорликда фаолият олиб бориб, ишсизликни бартараф этиш йўлларини қидирмоқда. Молиявий ёрдам кўрсатиш йўли билан янги иш ўринларини ташкил этиш асосий вазифаларимиздан бири ҳисобланади. Шу йилнинг биринчи ярмида 20 минг 27 та ишчи ўрни яратилди. Буларнинг 6180 таси деҳқон-фермер хўжаликлари ва 9163 таси кичик ҳамда ўрта тадбиркорлик ҳисобига тўғри келади. Бошқармамиз банк муассасалари билан ҳамкорликда имтиёзли кредитлар бериш йўли билан янги иш жойлари яратишга алоҳида эътибор бермоқда. Шу йилнинг 6 ойида ана шу мақсадда 699 миллион 620 минг сўм кредит ажратдик.

Ажратилган кредитлардан унумли фойдаланиб, янги иш ўринлари яратиш йўлида кенг фаолият олиб бораётган истиқболли корхоналар мавжуд.

Мисол учун, янги очилган "Автоойна" корхонасини олайлик. Очиқ турдаги бу акциядорлик жамиятида дастлаб бор-йўғи 78 та ишчи ўрни бор эди. Бунинг устига турли ташкилотлардан 230 миллион сўм қарз бўлиб қолганди. Аслида бу корхона 364 та ишчи ўрни яратиб, тўла қувват билан ишлаши керак эди. Молиявий кўмаксиз аҳволни ўнглашга кўзимиз етмасди. Вилоят ҳокимлиги тавсиясига кўра бошқармамиз ҳузуридаги иш билан таъминлашга кўмаклашиш ниятида давлат жамғармаси ҳисобидан 500 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратдик. Шундан сўнг корхонада иш жонланиб кетди. Қисқа вақт ичида яна 270 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. 136 та иш ўринлари очилди. Бу-лардан ташқари яқин масофадаги "Кварц" корхонасидан хомашё сотиб олиш учун имконият яратилди.

Йил охиригача яна 230 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажариб, қўшимча 90 та ишчи ўрни ташкил қилиш мўлжалланган. Президентимиз ушбу корхонада бўлганларида фарғоналикларнинг бу ҳаракатига муносиб баҳо бериб, ҳаммани катта ютуқлар билан қутлади ва эзгу тилаклар билдирди.

Ёки "Волида" фермер хўжалигини олайлик. Номи бору фаолиятининг тайини йўқ бу хўжалик танг аҳволга тушиб қолганди. Аҳволни ўрганиб, бу хўжаликка 70 миллион сўм имтиёзли кредит ажратиб бердик. Натижада ишлар жонланиб, 40 та ишчи ўрни ташкил қилинди. 1640 тонна сут қайта ишланиб, маҳсулотлар сотувга чиқарилди. Бундан хўжалик салкам 3 миллион сўм даромад кўрди.

Имтиёзли кредитлар олиб, янги иш ўринлари очиб, сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўяётган ва ўзини тезда тиклаб олаётган яна ўнлаб корхоналарни санаш мумкин. Биз Қува қандолатчилик комбинати тасарруфидаги "Қува ширинликлари" кичик корхонаси, "Даврдм" кичик корхонаси, "Супер Принт" босмахонаси жамоалари билан ҳам ҳамкорлик қилиб, қўшимча ишчи ўринлари яратдик. Бу корхоналарда ишлаётган ишчиларнинг 95 фоизини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил қилади.

Вилоятимизда 16 мингга яқин корхона, ташкилот, ширкат, фермер-деҳқон хўжаликлари, тадбиркорлар фаолият кўрсатаётган бўлса, уларнинг ҳар бири билан алоқа боғлаганмиз.

Биз биринчи навбатда ёшларни ана шу жамоаларга йўллаймиз. Айниқса, эҳтиёжманд, оилалар тоифасига кирувчи - кўп болали ота-оналар, ўқув юртларини битирувчилар, жазо муддатини ўтаб қайтганлар, пенсия ёшига яқинлашиб қолган кишилар, ногиронлар, ҳарбий хизматдан қайтганлар имтиёзли равишда йўлланма олмоқдалар. Шу йилнинг ўтган ярим йилида ана шундай фуқаролардан 1797 киши иш билан таъминланди. Умуман, вилоят бўйича 39 минг 661 киши иш сўраб мурожаат қилган бўлса, улардан 29 минг 536 киши ишга жойлаштирилди.

Шунингдек, доимий фаолият юритадиган вақтинчалик - бир мартали иш билан таъминлаш марказлари бор. Улар Фарғона, Қўқон, Марғилон шаҳарлари ва Олтиариқ туманида мунтазам ишлаб турибди. Ярим йиллик давомида 2027 киши шу марказларда рўйхатга олиниб, 55 нафари доимий ишга жойлаштирилди. Бундан ташқари анъанавий меҳнат ярмаркаларида иштирок этувчилар сафи тобора кенгайиб боряпти. Ўтган 6 ойда шаҳар ва туманларда 53 марта ана шундай ярмаркалар ўтказилиб, 1340 киши ишга жойлаштирилди.

Ўз-ўзидан маълумки, мактаб ва билим юртларини битирганлар ҳисобига йилнинг иккинчи ярмида меҳнат ярмаркалари яна ҳам гавжумлашиб кетади. Меҳнат бўлимлари уларнинг имтиёзли ҳуқуқларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратади. Бевосита билим даргоҳларининг ўзига иш берувчиларни таклиф қилиб, битирувчиларни ишга йўллаш тадбирлари йўлга қўйилди. Меҳнат бўлимлари ёшларни янги касбларга ўқитиш, вақтинча ишсизлик нафақалари билан таъминлаш, умуман, ишсизларни ижтимоий муҳофаза қилиш тадбирлари учун меҳнатда бандликни қўллаб-қувватлаш фондидан 72 миллион 787 минг сўмдан ортиқ маблағ сарфлади.

Бевосита маҳалла фуқаролар йиғинлари қошида ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш шахобчаларини, гузарларни бунёд этиш, ободончилик учун ҳам имтиёзли кредитлар ажратилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон туманидан М.Собитова, Сўх туманидан К.Мамажонов, Бешариқ туманидан И.Мамадиев, Учкўприк туманидан Ш.Усмонов ва бошқа тадбиркорлар чорвачилик хўжалигини ташкил этиб, уни ривожлантириш учун зарур кредит маблағлари билан таъминландилар. Бу - мазкур хўжаликларда бир қанча янги иш ўринлари яратилди, ёшлар фойдали меҳнатга жалб этилди, демакдир.

Шу йил охиригача оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадлари учун 68 миллион сўм миқдорида имтиёзли микрокредит беришни режалаштирганмиз.

Суҳбатдош:
Қодир ШОДМОНОВ,
"Mahalla" мухбири.

Эй сиз одамлар, эссиз одамлар

ҲАР ҚАНДАЙ "ТИРИКЧИЛИК" - ТИРИКЛИК ЭМАС!

...Эллик йил умр кўрган инсон кимлигидан қатъий назар ҳаётнинг кўп иссиқ-совуғини тотиб, шунга яраша тажриба, қолаверса, бола-чақа, мол-мулк, дўст-душман орттиришга улгурган бўлади.Самарқанд шаҳридаги Истиқбол маҳалласи фуқароси Билинтош Лапасова ҳам эллик ёшга киргунча дунёнинг қувончу ташвишларидан бебаҳра қолмаган. Умр йўлдоши, уч фарзанди, уйи-жойи бор. Фарзандларининг олди турмуш қурган, демак қуда-андаю набиралари ҳам бўлса керак. Минг афсуски, бу аёлнинг кейинги беш-олти йил мобайнидаги турмуш тарзи кишининг нафратини қўзғайди.

УНИНГ ҚУРБОНЛАРИДАН БИРИ

...Қурбон Бозорова Умидани гўдаклигидан яхши орзу-умидлар билан фарзандликка олган эди. Албатта, асраб олган болани ҳеч кимдан кам қилмасликка интиларди. Нима бўладию, 2001 йилда, 9-синфда ўқиётган Умидани қўшниси Манзура Мастура исмли бир аёл билан таништиради. Шундан сўнг Умида уйига тунга яқин қайтадиган, ора-чора умуман келмайдиган одат чиқаради. Қурбон опа ҳам уни йўлга сололмай ҳайрон эди. Умида Мастура орқали фоҳишахона «бекаси» Билинтошнинг тузоғига тушганди. Турган гапки, Билинтош уни ўз даромад манбаига айлантирмоқчи бўлади. Умида бунга қаршилик билдирса-да, нима учундир уникига келиб-кетиб юраверади. Кунларнинг бирида ҳали балоғат ёшига ҳам етмаган Умида Билинтошнинг мажбурлаши оқибатида номусидан айрилади.

«Мажбурлаш» дейишга асос бор.Кейинчалик,яъни суд жараёнида Умиданинг ўзи бу воқеа хусусида қуйидагича кўрсатма беради: «...Мен Б.Лапасованинг уйидан қочиб кетмоқчи бўлдим, лекин унинг ўғли (исмини билмайман) бошимга қаттиқ урди. Мен ҳушимни йўқотдим. Мен эртаси куни ўзимга келдим, кўзим рўмолча билан боғланган экан. Ўрнимдан турганимда...» Бу жумлаларнинг давомини ўқувчига ҳавола қилишдан уяласан киши. Шундан сўнг Умида Б.Лапасованинг уйига қайтиб бормади. Уч-тўрт ой муддат ўтгандан сўнг эса бўлган воқеани тутинган онасига сўзлаб беради. Қ.Бозорованинг мурожаати билан Умида суд-тиббий экспертиза қилинади ва милиция ходимлари Б.Лапасованинг уйига рейд уюштирадилар.

...2002 йил 3 август куни Сиёб тумани жиноят-қидирув бўлими ходимлари юқоридаги манзилда тўрт нафар фоҳиша қизларни ва беш нафар мижозни, шунингдек, Б.Лапасовани ана шу мижозлардан пул санаб олаётган пайтда қўлга туширадилар. Қизларнинг биттаси ҳали балоғат ёшига ҳам етмаган, икки нафари эса опа-сингиллар. Маълум бўлишича, Б.Лапасова ўзи яшаб турган хонадондан бир қават юқоридаги 3-хонали хонадонни ижарага олиб, бу ерни жирканч усулда пул топиш маскани-га айлантирган экан. У ўзига «тахаллус» ҳам қўйиб олган: фоҳиша қизлару мижозлар уни «Тамара» деб аташар экан.

Сиёб тумани жиноят ишлари бўйича суди Б.Лапасовани Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 131-моддасининг 2-қисми «а» ва «б» бандлари билан айбдор деб топади, уни икки йил муддатга озодликдан маҳрум этади. Тайинланган жазо шартлига айлантирилиб, икки йил синов муддати белгиланади. Бу - унинг шундай «фаолияти» учун иккинчи судланиши бўлиб, у 1993 йилнинг 18 апрелида бўлиб ўтган суд жараёнида айнан шу модданинг 1-қисми билан, яъни «...фоҳишахона сақлаш ёки ташкил этиш, шунингдек, ғаразли ёки паст ниятларда қўшмачилик қилиш»да айбланиб, жазо сифатида 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишларига мажбурий жалб этилган эди. Бу жазо унга сабоқ бўлмади. Афсуски, иккинчи жазо ҳам уни бу йўлдан қайтаролмади.

У ФАРЗАНД ОЛМОҚЧИ ЭДИ...

Бундан кейинги воқеалар ривожида шундай ҳолатлар борки, уларни қандай изоҳлашни ҳам билмайсан, киши.

2002 йилнинг декабрь ойида, яъни Б.Лапасова қўшмачилиги учун тергов сўроқларига жавоб бериб юрган пайтларда Сиёб тумани халқ таълими бўлими 10-Меҳрибонлик уйи-мактаби раҳбарига қуйидаги мазмундаги билдиргини жўнатади: «Сиёб тумани ҳокимияти халқ таълими бўлими қошидаги «Васийлик ва ҳомийлик» органи сизнинг Меҳрибонлик уйи-мактабингизда тарбияланаётган опа-укалар (исми-шарифлари хатда кўрсатилган. М.Қ.) тўғрисидаги 2002 йил 17 декабрдаги 188-рақамли хатингизга асосан Сиёб тумани Истиқбол кўчаси 2"а»-уй 2-хонадонда яшовчи фуқаро Лапасова Билинтошнинг бола тарбиясига бўлган шарт-шароитлари ўрганиб чиқилди. Оила маънавий-моддий жиҳатдан ўзига тинч, болаларнинг яшаши, тарбияси учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Шу сабабли фуқаро Лапасова Билинтошга опа-ука Муҳаббат, Самандаржонларни фарзанд қилиб олиш учун туман ҳокимининг қарори тайёр бўлишига қадар ҳамда болаларнинг янги оила билан яқиндан танишишлари учун қишки таътил давомида фуқаро Лапасова Билинтошга олишга рухсат беришингизни сўраймиз». Бу идора Б.Лапасовага маънавий-моддий жиҳатдан ижобий баҳо берганда унинг икки бор фоҳишабозлик билан жиноятчи бўлганини ҳам бола тарбияси учун ижобий ҳолат деб ҳисоблаган, шекилли. Энг ачинарлиси, бу идора Билинтошнинг ҳаёт тарзини ижобий баҳолаб бераётган бу пайтда асранди қиз аллақачон фоҳиша аёлга айланиб бўлган эди.

2003 йилнинг 20 январида эса Сиёб тумани ҳокими опа-укани Б.Лапасова оиласига фарзандликка беришга рухсат этилиши ҳақидаги қарорга имзо чекади. Болаларнинг каттаси Муҳаббат 1986 йилда, кичиги Самандар 1988 йилда туғилган. Демак, Муҳаббатни айни 17 ёшида фоҳишахона ташкилотчисига расман топширмоқда эдилар. Яна ким томонидан денг, туман халқ таълими бўлими ва туман ҳокимияти томонидан! Бу ҳолатни қандай изоҳлаш мумкин? Қизиқ, Сиёб тумани халқ таълими бўлими қошидаги «Васийлик ва ҳомийлик» органи масъуллари Б.Лапасова оиласининг қайси жиҳатларини ўргандилар экан? Бу оиланинг «маънавий тинчлиги»ни шаҳодатловчи билдиргини ёзишдан олдин бу масъуллар қаерга бориб, ким билан суҳбатлашди эканлар? Ахир шу пайтгача қўшмачилиги учун аввал судланган, шунда ҳам бу фаолиятини фаол давом эттирганини учун иши тергов-да эканини билмай қолиш учун қай даражада масъулиятсиз бўлиш мумкин?

Неча йиллардан бери қўшмачилик қилиб келаётган Б.Лапасованинг уч нафар фарзанди бўла туриб, яна бўйи етган қизни асраб олишдан мақсади - қиздан жирканч фаолиятида фойдаланиш эканлиги кундек равшан эмасмиди?

Хайриятки, Сиёб тумани прокурори М.Тилавовнинг ҳокимиятга тақдим этган протести туфайли опа-укалар Б.Лапасова қарамоғига ўтишдан омон қолдилар. Афсуски, Муҳаббат Гуля исмли аёл орқали бунга қадар қўшмачининг чангалига тушиб бўлган экан.

2003 йил 27 июндаги суд жараёнида Муҳаббат қуйидагича кўрсатма беради: «...Б.Лапасова уй-жойим йўқлигини айтганимдан сўнг мени ва укамни асраб олишини айтди, шундан кейин мен унинг уйида қолдим ва бошқа қизлар қатори яшадим. Менинг нархим бошқаларникидан қиммат эди...»

ҚЎШМАЧИГА БЎЛАЖАК КУЁВИ "ШОГИРД" ТУШДИ

... Шу йилнинг 25 январь куни яна ўша манзилда «фаолият» юритаётган фоҳишахонада бир нечта енгил табиат қизлару уларнинг мижозлари ҳуқуқ-тартибот органи ходимлари томонидан яна бир бор қўлга олинади. Буни қарангки, бу сафар мижозлар, яъни пул тўлаб фоҳишахонадан «ҳожат» кутиб келганларнинг баъзилари балоғатга етмаган ўспирин йигитлар эди. Лекин Б.Лапасова шу пайтда қаергадир ғойиб бўлади, яширинишга улгуради. Ҳуқуқ-тартибот органи ходимлари уни бир неча ой давомида қидирадилар, расман қидирув эълон қилинади. Бу орада ички ишлар ходимлари Лапасованинг фоҳишахонаси яна «фаолият»га киришгани, уни Раҳмат Исроилов исмли шахс «бошқараётгани» ҳақида маълумот оладилар. Тегишли саъй-ҳаракатлардан сўнг Раҳмат Исроилов ҳам далилий ашёлар билан фаолият устида қўлга олинади. Хўш, бу кимса ким бўлди экан, деб ўйларсиз? Қарангки, Раҳмат Исроилов Б.Лапасованинг бўлажак куёви, яъни унинг иккинчи қизига унаштирилган йигит экан! Кўр кўрни қоронғуда ҳам топади, деганларидек, қайнона-куёвнинг топишганларини қаранг! Ёки қайнона бўлажак куёвини ҳам «тирикчилиги»га мослаб танлаганмикан? Ҳар ҳолда бўлажак куёв устидан тергов ишлари кетаётган бир пайтда қўшмачи қайнонанинг ўзи ҳам топилиб қолади. Бўлажак куёв келин билан бахт курсисига эмас, қайнона билан қора курсига ўтирди.

27 июнда бўлиб ўтган судда Б.Лапасованинг ва Раҳмат Исроиловнинг барча кирдикорлари ўз исботини топди. Судланувчилар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 131-моддаси 2-қисми «а» ва «б» бандлари, 227-моддаси 2-қисми «а» банди билан айбдор деб топилдилар. Тегишли жазо тайинланди. Лекин...

«Букрини гўр тузатади» деган мақол айнан Билинтошга нисбатан айтилган бўлса керак. Б.Лапасова инсофга келадими, йўқми, вақт кўрсатади. Бироқ, балоғат ёшига етиб-етмай фоҳишабозлик йўлига кирган навниҳол қизларни, йигитларни ким деб атаймиз? Ёки «арзон муҳаббат»нинг харидори бўлаётган оилали, бола-чақали эркакларимизни-чи, уларни не деб атайлик? Улар жабрдийдами ёки жиноятчи? Фарзандларининг ризқидан қийиб, фоҳишага пул келтириш, танни сотиш эвазига тирикчилик қилиш тирикликнинг ўзидан воз кечиш, чекиниш эмасми? Ахир, ҳар қандай тирикчилик ҳам тириклик эмас-ку. Албатта, шундай. Даромадини оила рўзғорига тақсимлай туриб унинг бир қисмини фалон фоҳишахонага боришни кўзлаб олиб қўяётган эркакни ёки ўша эркак билан «мен билан кўнгилхушлик қилиш фалонча туради» дея савдолашаётган ёки улар ўртасида воситачилик қилиб даромад қилаётган аёлни кўз олдига келтирган инсоннинг эти жунжикади, жирканади. Уларнинг ўзлари шундай тубанлик қилаётганларидан орлансалар қани эди!

Суръат ЖАББОРОВ,
Самарқанд шаҳри Сиёб тумани прокурори ёрдамчиси;
Мавлуда ҚОСИМОВА,
«Маҳалла» мухбири.

Олам турфа

ЧОЙЧАҚА БЕРДИ-Ю, СЎНГ АФСУСЛАНДИ

Барселоналик бир савдогар ошхонада овқатланган, официантга чойчақа бермоқчи бўлган. Чўнтагида майда тангаси йўқлиги учун иккита лотерея белетини берган.

Орадан бир неча кун ўтгач, лотерея ўйналган. Жадвални кўрган савдогар аттанглаб қолди. Унинг тортиқ қилган билетларига бир неча минг доллар ютуқ чиққан эди.

МАНИКЕНША ҚАНЧА ТУРАДИ?

20 ёшли манекенша Сьюзен Мизи Англияда катта шуҳрат қозонган. Унинг қадди-қомати келишган, каттакатта кўзлари қўнғир рангдадир.

У "Силк фэктори" фирмасининг маҳсулотларини кийиб намойиш қилади. Шунинг учун фирма уни жуда ардоқлайди. Фирма бу қизни 15 миллион долларга суғурта қилган. Унинг баданидаги ҳар бир қисм алоҳида-алоҳида баҳоланган. Масалан, юзи - 7,5 миллион доллар, қўл ва оёқлари - 3 миллион доллар, танаси ҳам шунчага баҳоланган. Бу миллионлар учун Сьюзен уч йилгача қатъий қоида асосида яшаши, спиртли ичимлик истеъмол қилмаслиги, чекмаслиги, турмушга чиқишни ўйламаслиги, ҳатто балконга чиқмаслиги керак. Бу талабларга тўла риоя қилса Сьюзен уч йилдан сўнг "Силк фэктори"дан қўшимча бир ярим миллион доллар мукофот ҳам олиши айтилган.

ЙЎҚОЛГАНИ ЯХШИ ЭМАСМИДИ?

Бельгиянинг Льеж шаҳрида яшовчи бир аёл 17 ёшли ўғли билан бозор-ўчарга йўл олишди. Масс дарёси устидаги кўприкдан ўтаётганларида она тўхтаб ўғлига минг франкли пул берган.

Шу пайт шамол пулни она қўлидан учириб кетган ва кўприкнинг таянч устунларидан бирига пул илашиб қолган. Ёрдамга ўт ўчирувчилар чақирилган. Чаққон ёшлар сувга қайиқ тушириб, она-боланинг пулини олиб беришган. Пулни олган она-бола ёрдамчиларга миннатдорчилик билдириб, харид учун кетишган. Лекин орадан бир неча кун ўтгач, оила жуда ноқулай аҳволда қолди: "уйларига Масс дарёси устидаги кўприкда қуткарув ишлари олиб борилганлиги учун" 9600 франкка ҳисоб қоғози келган эди.

ДУБДАГИ ХАЗИНА

Болгариянинг Рудозем қишлоғида чакмоқ чақиб, қадимий дуб дарахтига келиб тушди, натижада дарахт тезда ёниб, кулга айланди.

Бу ерга етиб келган бир неча қишининг кўзи кул ичидаги қачонлардир дубга беркитилган металл идишга тушади. Очиб қарашса, унинг ичи турк олтин тангаларига тўла эди. Мутахассислар фикрича, тангалар бундан уч юз йил илгари зарб этилган экан.

Жиззах вилояти

БАХТнинг БАХТИ КУЛГАН

Ғаллаорол шаҳри Бахт маҳалласи АҚШ нинг "Каунтерпарт-Концерциум" фонди танловида иштирок этиб унинг грантини олди ва 4,5 минг доллар маблағ ҳисобига аҳолининг ичимлик суви билан таъминланишини яхшилади. Уни фойдаланишга топширишда АҚШ элчиси Хербег жаноблари қатнашдилар.

Ҳозирги кунда дастурда белгиланган вазифалар бекаму кўст бажарилмоқда. Чунончи Олимлар маҳалласи фаолият кўрсатмай қўйган клубни таъмирлаб, маҳалла марказига айлантирди, унда спорт майдончаси, чойхона, маиший хизмат шоҳобчалари, милиция таянч пункти мавжуд. Молтоб қишлоқ фуқаролар йиғини ҳам қурилиши тўхтаб қолган бинони яхшилаб таъмирлаб идора қилиб олди.

Ғафур Ғулом номли маҳалла фуқаролар йиғини ҳам аҳолига қулай бўлган яхшигина бинога кўчиб ўтди. Бундай ишлар Хонимқўрғон қишлоқ фуқаролар йиғинида ҳам амалга оширилмоқда.

"Обод маҳалла йили" дастурининг олти ойлик ижросига бағишланган йиғилишда Ғаллаорол шаҳримизнинг Олимлар маҳалласи фуқаролар йиғинининг раиси Байзоқ Раҳмоновга Республика "Маҳалла" хайрия жамғармасининг Фахрий ёрлиғи ва рангли телевизор мукофотга берилди. У республика кўрик танловида қатнашиб ғолиб бўлгани учун шу мукофотга сазовор бўлди.

Дарҳақиқат, Б.Раҳмонов "Обод маҳалла йили" дастурининг мазмуни-моҳиятини маҳалла аҳолиси онгига сингдиришда, миллий қадриятларимиз ва анъаналаримизни ривожлантиришда, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. У маҳаллага ичимлик суви олиб келишга, кутубхона, сартарошхона, чойхона, милиция таянч пункти қурилишига, футбол, волейбол майдончаси бунёд этилишига, атроф кўркам ва обод бўлишига эришмоқда.

"Футболимиз келажаги", "Маҳалламиз пахлавонлари" ва бошқа спорт мусобақаларини ҳам юқори савияда ўтказиш чораларини кўрмоқдамиз.

Жамғармамизга вилоят ҳокимининг ташаббуси билан 5 га сувли, 50 га. лалми ер майдони ажратиб беридганлиги айни муддао бўлди. Натижада молиявий аҳволимиз яхшиланди, ердан 1-1,5 миллион сўм даромад олмоқдамиз. Жорий йилда эса, бу кўрсаткич 2 миллион сўмдан ортиши мўлжалланмоқда.

Саид ФАЙЗУЛЛАЕВ,
"Маҳалла" хайрия жамғармаси Ғаллаорол тумани бўлинмаси раиси.

● Таъбимиз, табиатимиз...

СУТ ЭМАС, ТИНЧЛИК КЕРАК!

Ёки эрта тонгданоқ сут-қатиқ олишга чорлаб, одамлар оромини бузаётганлар ҳақида

Сут, қатиқ ҳар кунги сотиб оладиган маҳсулотларимиздан ҳисобланади. Ҳеч кимга сир эмаски, сут сотувчилар ҳар куни кўп қаватли уйлар олдида пайдо бўлади. Эрталабдан сут сотиладиган шохобчаларга боришдан кўрабиз учун бу қулай албатта. Лекин ҳозирги кунда сут сотувчиларимиз ҳаддан зиёд кўпайиб кетган. Бунинг устига сотувчи ҳар бир подъезд олдида туриб олиб бақириши ортиқчалик қилаяпти. Эрталабки «будилник» деса ҳам бўлади.

Бу энг баланд уйларда яшовчиларнинг ҳам ғашига тегмоқда. Кимнингдир ёш боласи бор, яна кимдир ухлаб ётган бўлса. Яна сут деб эмас, бу сўзни русчада бузиб "Малоко-й" ...деб бақиришади. Ўзбек аёли сут, қатиқ деса бўлади-ку. Аёллар-ку майли, эркаклар ҳам бақириб-чақириб кўчама-кўча сут сотиб тирикчилик қилаётганига гувоҳ бўлаяпмиз. Улар ҳам йўғон овозлари билан ҳар тонг ҳамманинг уйқусини чала қилмоқда. Бунинг устига улар қандайдир ғалати овозда бақиришни одат қилишган.

Маҳалламизда ёши улуғ бир онахон ҳам бу савдо билан шуғулланади. Бир кунда уч марта узоқдан бақириб келади. Уни кўпгина хонадон соҳиблари танийди. Сабаби — у ҳар бир деразага қараб "Молоко нада" дейишини кўймайди. Лекин ҳадеганда унинг савдоси юришавермайди. Сабаби унинг аҳволи... Деразадан бош кўринса бас,«Девушка, бабуля, молоко нада» дея додлайди. Аксинча, у сут олади дея умид қилган хоним, "Молоко ненадо, покоя надо" деб устидан кулади. Одамларнинг ғашига тегмасдан сотиш ҳам мумкин-ку бу сут, қатиқни. Ахир ўша сут, қатиқчилар маълум бир жойда туришса одамларнинг ўзи билиб боради-ку.

Бу ҳолатнинг иккинчи, муҳим томони бор. Бу маҳсулотларнинг қаердан, қай ҳолатда олиб келинганлиги, ўша сотувчининг уй шароити қандай эканлигидан бизнинг хабаримиз йўқ. У гегиена талабларига жавоб бера оладими? Йўқ албатта. Ахир уларни биз чанг кўчада сотиб оламиз, сотувчининг идиши, қўллари тозами? Бу биз аҳамият бермайдиган майда-чуйдалардан қандай касалликлар вужудга келиши мумкин эканлигини бир ўйлаб кўринг. Эрталаб одамларнинг асабига теккани етмагандай кечқурун ҳам ўтмай қолган маҳсулотлари билан ғашга тегади."Свежий, ҳозир олиб келдим" деган лофига ким ишонади? Бундай аёллар узоқдан келишини ҳамма билади. У бир кунда икки марта қатнамайдиқу! Ҳамманинг ўзига яраша тирикчилиги бор. Лекин бировнинг зиёнига эмас-да.

Моҳичеҳра ЛАТИПОВА.

● Обод маҳалла йили тадбирлари

ЎРИКЗОРДА МАЪРИФАТ КЕЧАСИ

у маҳалладошларнинг байрамона кайфиятини икки ҳисса оширди



Акмал Икромов туманидаги Ўрикзор маҳалласининг ташкил бўлганига эндигина тўрт йил бўлган. Лекин нисбатан қисқа бу муддат ичида маҳалла йиғини фаолияти тўлиқ шаклланган. 8000 дан зиёд фуқароси бор бу маҳаллада айниқса маданий-маърифий тадбирлар тез-тез ўтказиб турилади.

Яқинда маҳаллада ана шундай тадбирлардан яна бири — "Оила маънавияти — келажак пойдевори" мавзусидаги маърифий-мусиқий кеча бўлиб ўтди. Ушбу тадбир республика Маданият ишлари вазирлиги қошидаги Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлари республика илмий-услубий маркази, "Оила" илмий-амалий маркази билан ҳамкорликда ташкил этилди. Кечада нафақат Ўрикзор маҳалласи аҳли, балки яқин атрофдаги маҳаллалар аҳолиси ҳам қатнашдилар.

Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлари республика илмий-услубият маркази раҳбари ўринбосари, республикада хизмат кўрсатган маданият ходими Ўткир Тоҳиров ўз маърузасида қуйидагиларни алоҳида таъкидлади:

— Бу каби ҳамкорликдаги тадбирлар анъанага айланмоқда, бу жуда қувончлидир. Айниқса, бу тадбирларимиз маҳалладошларимиз билан юзма-юз бўлиб, уларни қизиқтирган мавзуларда мулоқотлар олиб боришда жуда қўл келмоқда. Улар ўз саволларига тадбирда қатнашаётган мутахассислардан тегишли жавоблар олишлари, қолаверса, маданий ҳордиқ чиқариб, дам олишлари мумкин. Бизнинг бу саъй-ҳаракатлардан кўзлаган муддаоимиз ҳам шудир.

Шунингдек, кечада "Оила" илмий-амалий марказ раҳбари Васила Каримова, шу маҳалла фуқаролари — Ўзбекистон телевидениеси сиёсий шарҳловчиси Қобилбек Каримбеков, ҳуқуқшунослик фанлари доктори Омина Каримовалар оила тинч-тотувлигида унинг аъзоларининг ўрни ҳақида, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасидаги ютуқ ва камчиликлар хусусида маъруза қилдилар. Тадбир маҳалла аҳли ва нотиқларнинг ўзаро мулоқоти остида ўтди, ўрикзорликлар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассисларнинг жавобларини олдилар, турли таклиф ва фикрлари билан ўртоқлашдилар.

Бир гуруҳ санъаткорлар, жумладан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Ҳожиакбар Ҳамидов, наманганлик хонанда Баҳодир Бакиров, хоразмлик бадиий ҳаваскорлик ансамбли қўшиқчи ва раққосалари ижросидаги концерт дастури кечанинг янада файзли ва мароқли ўтишига хизмат қилди.

— Маҳалламиз аҳли номидан тадбир ташкилотчиларига катта миннатдорчилик билдираман, — дейди маҳалла оқсоқоли Раҳимжон Нодиров. — Обод маҳалла йилида бундай тадбирларнинг кўплаб маҳаллаларда ўтказилаётганига шоҳидмиз.

Мустақиллигимизнинг 12 йиллиги арафасидаги байрамона кайфиятимизга жуда ҳамоҳанг бўлди бу тадбир.

Суратларда: Тадбирдан лавҳалар.
К. ЎЛМАСОВ олган суратлар.

МУНАЖЖИМЛАР ТАЪБИРИ

ҚЎЙ
Ҳафта етарли даражада нотинч ўтади. Муваффақият ва натижаларга тушунмовчилик ва муаммолар йўлдошлик қилади. Ҳафта охири дам олиш, қизиқарли мулоқот ва жамоавий ҳордиқ учун зарур шароит яратади.

БУЗОҚ
Атрофдагилар билан бўладиган муносабатларингиз бир текисда кечиши мушкул. Устун чиқишга уриниш ва молиявий масалалар бунга монелик кўрсатади. Касбий фаолиятда танқидга дуч келишингиз мумкин.

ЭГИЗАКЛАР
Ҳис-туйғуга берилиш бу ҳафтада сизни етарли даражада ишдан чалғитади. Ҳафта сўнгидаги сафарлар ва истеъмол қилинган самараларни бермайди. Биринчи уч кундаги алоқалар натижасида қучли зиддиятлар келиб чиқиши мумкин.

ҚИСҚИЧБАҚА
Бу кунлар ҳаммасидан ҳам дам олиш, ижодий сафар ёки янги истеъдодларни кашф этишга ўнгай. Иложи борича келажаги мавҳум ишларни бажаришдан қочиб, ўзингизга ёққанлар билан мулоқот қилишга интилинг.

АРСЛОН
Ҳафта кунларида сиз атрофдагиларга яхшиям эътиборли ва сабрли бўлиб кўринасиз. Бу раҳбарлар билан мулоқот ва фаол меҳнат орқали ҳамкасблар орасида мавқе орттиришингизга имкон беради. Жумадаги мулоқот муваффақият келтиради.

ПАРИЗОД
Ҳафтада янги алоқаларга киришиб, сиз учун қизиқарли бўлган дўстлар орттирасиз. Ўзингизга маълум соҳаларда муваффақиятга эришасиз. Чоршанбадан бошлаб ишларингиз қўпайгандан-қўпаяди.

ТАРОЗУ
Сиз учун мураккаб ҳисобланган жараён ниҳоясига етаётир. Бунинг учун анчагина куч-ғайрат сарфлайсиз. Ҳафта саломатлигингизни мустаҳкамланг, меҳнатга ҳақ олишингизни ижобий томонга ўзгартириш ва ҳамкасблар билан муносабатларни ойдинлаштириб олишда, айниқса, самаралы кечади.

ЧАЁН
Бу даврда зерикиш сизни мутлақо тарк этади. Душанба ва сешанбада қилинган ишлар тўлиқ бўлиши мумкин. Чоршанбада эса бир неча муаммоларни ҳал этишга муваффақ бўласиз. Ҳаётий қарашларингиз саёзроқ бўлишига қарамай, мавқеъга эга кишиларга яқинлашишга муяссар бўласиз.

ЎҚОТАР
Яқинларингиз сайин ишларингиз яхшиланиб боради. Умуман олганда эса ишга кўмилиб қоласиз. Бу бурж вакиллари вақтинчалик қийинчиликларни даражада босиқ бўлиб қолишади.

ТОҒ ЭЧКИСИ
Бу кунларда сиз ўзингизни ноқулай сезасиз. Бироқ улар етарлича самара келтиради. Ҳафта кунларида ўзгалар кўмагидан иложи борича кўпроқ фойдаланишга ҳаракат қилинг. Ҳаётингизда кўплаб муҳим янгиликлар юз бериши кутилмоқда.

ҚОВҒА
Ой тўлиши сизнинг буржингизга бевосита таъсир этади. Ва у янги алоқалар ҳақида имкониятларни вужудга келтиради. Дўст ва яқинларингиз берган маслаҳатларга қулоқ тутинг.

БАЛИҚ
Ҳафта сиз учун жуда ажойиб кечади. Солиқ бўлган ижобий воқеалар кўп вақтгача ёдингизда қолади. Шунга қарамай, дастлабки уч кунда сиз жиддий мажбуриятларни бажаришга киришасиз. Шунингдек, ижодий фаолият ва бисмиллигизни ошириш бўйича шуғулланинг.

Урф-одатларимиз

«ҚОВУН САЙЛИ»

Қадим замонларда сайёҳлар Бухоронинг ҳунармандчилик маҳсулотлари ва ширин-шакар қовунларига маҳлиё бўлганлар. Чунки азал-азалдан ўлкамиз деҳқонлари иқлим шароитига мос навларни етиштириш учун изланишда бўлганлар. Қовуннинг ватани Ўрта Осиё ва Кавказ ҳисобланган. Бобурийлар даврида қовунни лойга ўраб узоқ Ҳиндистонга олиб боришган ва у шу тариқа бошқа ўлкаларга тарқала бошлаган.

Сахий заминимизда қовуннинг эрта пишар ва кечки навлари етиштирилган. Ўрта Осиё, айниқса, Бухоро, Хоразм қовунлари ўта ширинлиги билан ажралиб турган. "Бухоро қовунлари" номи билан машҳур бўлган қовунлар саёҳатчи савдогарларни мафтун этган ва азал-азалдан Бухоро, Ғиждувон, Самарқанд, Ургенч, Хива шаҳарларида "Қовун сайли" ўтказилган. "Қовун сайли" деҳқон меҳнатининг, она замин саховатининг шодиёнасига айланган. "Оқ новвот", "Оби новвот", "Шакарпалак", "Кўкча", "Оқ уруғ", "Амири", "Босволди", "Кўк гулоби", "Печак", "Эски чопон", "Бўрикалла", "Бекзоди", "Тошлоқи", "Бухори", "Гулоби жўжабурун", "Шероз", "Қорақанд", "Дониёри", "Темиртирноқ", "Ҳасани", "Қўйбош", "Лимонсариқ", "Қалайсан" сингарилар энг яхши нав ҳисобланган. Афсуски, кейинги даврда айрим навлар йўқолиб кетди. Қовунда "С", "А", "В", "В1" дармондорилар жуда кўп. Бобо - момоларимиз қовунларни қиш учун асраб қўйганлар, ундан мураббо, шинни тайёрлаганлар ва Бухоро қовунқоқилари жахон бозорида муносиб ўрин олган.

Буюк ҳаким Абу Али Ибн Сино шундай таъриф беради:

"Қовуннинг эти ва айниқса уруғи етилтирувчи ва тозаловчидир. Пўчоғи манглайга ёпиштирилса, кўзга тушадиган назлага жуда яхши тўсқинлик қилади. Қовунни бошқа таом кетидан ейилса, қўнгилни айнитади. Қовуннинг етилгани ҳам қонни, ҳам сийдикни ҳайдайди. Буйрак ва қовуқдаги майда тошларга, айниқса буйракда бўлганига фойда қилади."

Сўзсиз "Қовун сайли" да ширин - шакар тарвузлар ҳам намойиш этилган. Тарвузнинг асл ватани Африка ҳисобланган. Кейинчалик Италия орқали Европага ва Осиёга тарқалган. Тарвузнинг навлари турли - туман, жумладан "Қўзивой", "Олатарвуз", "Солдипишди", "Мармар", "Чинни тарвуз", "Король куби", "Антоновка", "Белий длинний" ва бошқалар. Тарвузда турли дори - дармонлар мавжуд. XVIII аср табиби Сайид Муҳаммад Ҳасрат "Ҳусайн туҳфаси" рисоласида ёзади:

"Ҳўл барги тўхтатар оқса агар қон
Шишларни йўқотар, қайтарар осон
Баргидан сув олиб суркаса бемор
Моҳов доул - филга наср қилмоғи бор.
Асаб учун тарвуз суви наф қилар
Панжа бўғинларни дардин даф қилар
Ғарғара қилса гар сувидан киши
Тиш остин қотирар қолар оғриши.
Нафас йўлига ҳам яхши нафс қилар
Тавсия айлаган шундай деб Букрот!
Ундан шарбат қил деб ўн икки қийрот
Ичсанг қовқ бирла буйрак иллатин
Йўқотиб қўймайди танда заҳматин"
/Букрот - юнон табиби Гиппократ/

Қадимий Бухоронинг унутилмас қадриятларидан бири "Қовун сайли" ўтказилиб совриндорлар аниқланса сўзсиз йўқолиб кетаётган қовун навларини тиклашга катта ёрдам берарди. "Қовун сайли" ёшларни она заминга муҳаббат руҳида тарбиялашда ва ота - боболар удумларини эъзозлашда муҳим аҳамият касб этади. Ҳар бир байрам ва сайлнинг халқ томонидан қуйланган, халқ оғзаки ижоди намуналари бўлади. Ҳурматли санъаткорларимиз халқ оғзаки ижоди намуналаридан фойдалансалар айни муддао бўлар эди.

Қовун сайли термаларидан

Сарваримнинг қовунин
Тилни ёрар дейдилар
"Бекзоди" қовунидан
Боллар томар дейдилар

Кўкча чўлига боринг
Оҳуси бор дейдилар.
"Гулоби" экан қизнинг
Жодуси бор дейдилар.

Шакар қовун номини
"Калла бўри" дейдилар
Бухоролик момолар
Пешин чоғи ейдилар.

"Кўча" қовун олдида
Қанду-қурсга на ҳожат
Ҳакимларнинг сўзича
Танда қолмас жароҳат.

Асал қовун номини
"Оби новвот" дейдилар
Унинг асл ватанин
"Янгиработ" дейдилар.

Бухоролик боболар
Насиҳатгўй дейдилар
Қовун шиннисин татинг
Роҳатижон дейдилар.

Шофирконнинг мевасин
Қанду-асал дейдилар
"Темир-тирноқ" татиган
Бўлмас касал дейдилар.

Гулсара ҚАЮМОВА.
Бухоро шаҳри.

Ҳ.СОДИҚОВ чизган.

● «Mahalla» нинг «Чоршанба чойхонаси»

ТОМОША ҚОВОҚЛАР...

(Ҳажвия)

- Вой, ер ютсин уни! Мол дўхтирими дейман-а, Дониёр ака? Дўхтир ҳам ҳеч замонда касал одамга хеч ким назарга олмайдиган қовоқ қайнатиб ейишни тавсия қиладими! Қулоқ эшитмаган гап-ку бу! Дорихонада минг хил касалга даво дори-дармонлар қалашиб ётибди-ку. Шулардан бирини ёзиб бермайдими-а? - катта тошойна олдида сочини масчитнинг қуббасига ўхшатиб турмаклаб олган ёш жувон ўзига оро берганича, бидирлаб, эридан қойинарди. Енгсиз хипча бел бичимда тикилган хонатлас кўйлаги ўзига зап ярашган. Эри эса унинг сўзларини жилмайиб эшитганча жимгина ётарди. Бетоблиги киртайган кўзлари, салқиган қовоқларидан сезиларди.

- Ҳай, хўжайин, нега гапирмайсиз? Оғзингизга талқон солдингизми? - жувон ингичка қошларини чимириб, эрига кескин ўгирилди.

- Нимани ҳам гапирай, Шоҳистахон, - Дониёр хотинини муросага чақиргандек маъюс жилмайди.

- Қовоқ савилдан бошқа дори қуриб кетган эканми дунёда? Қовоқ ўлгирнинг ўрнига бошқа ўткирроқ дори ёздириб олсангиз бўларди-ку. Шу пайтда уни мен қаердан топаман? - Шоҳистанинг упа суркалган пешонаси тиришди.

- Шоҳистахон, ҳамма гапингизни кейин айтарсиз. Илтимос, қовоқни олиб келинг, - Дониёр ёш болалардек хотинига илтижо билан қаради. - Қовоқ сариқ касалига яхши шифо бўлар экан-да. Биласизми, кексалар ҳам...

- Қўйинг-е, нима қилса ҳам қишлоқда ўсгансиз-да, - Дониёрнинг сўзини бўлди Шоҳиста. - Маданиятли бўлишга ўргата олмадим-да, сизни!

Дониёр унинг бу сўзларидан ўзини тута олмай кулиб юборди.

- Қовоқнинг маданиятга нима дахли бор?

Шоҳиста саволни эшитмай давом этди.

- Ҳа, кулинг. Бир лақма дўхтирнинг айтганини қилай деб, кўчада қовоқ кўтариб юришим қолганди энди. Сизга қолса, мени туяга миндириб шаҳар айлантиришдан ҳам тоймайсиз.

- Шоҳистахон, илтимос, қовоқни тезроқ олиб келинг.

- Ўйнаб ўтирибманми? Сизга қовоқ олиб келиш учун отланаяпман-ку.

Дониёр индамади. Чуқур уф тортди. Шоҳистахон эса шошилмай қош-кўзларига тортилган сурмасини, кўйлагининг устига қандай ўтиришини, михдай ингичка пошнали туфлисининг оёғида туришини қайта-қайта ойнага солиб кўрди. Охири кўнгли жойига тушди чамаси, шифонердан қора сумкачасини олиб, билагига илди. Кейин эрининг олдига келди, белига қўлини қўйиб сўради:

- Хўжайин, қовоқни қаерда сотади?

- Гузардаги сабзавот дўконида.

Шоҳистахон ўзича нимадир деб минғиллади-да, сумкасини ликиллатганча чиқиб кетди.

...Шоҳистахон сабзавот дўконига кириб бир қўлидаги сумкачасига, бир пештахтага териб қўйилган катта-катта қовоқларга қараганча, ўйланиб қолди. Битта қовоқни сумкачасига солиш у ёқда турсин, қўлида кўтариб кетиши ҳам аримаҳол эди. «Қовоқ сабил ҳам шунақа катта бўларканми? - кўнглидан ўтказди у ва нима қилишини билмай қолди. - Унинг хатти-ҳаракатларини кузатиб турган сотувчи йигит:

- Яхши қиз, қовоқ олмоқчимисиз? - деб сўради.

- Ҳа, қовоқ олмоқчи эдим. Лекин... биласизми, ҳалиги...

- Танланг яхши қиз. Истаганингизни олиб бераман. Мана ойимқовоқ, сапчақовоқ, картошкақовоқ... - сотувчи йигит қовоқларнинг номини айтиб, таърифини қила кетди. Кейин дўкон бурчагида турган муштдек келадиган, сапсариқ, усти гўё чакичдек ғўдир қовоқни олди. - Мана бу томошақовоқ.

- Вой, бу ҳам қовоқ денг, - Шоҳистанинг шаҳло кўзлари чақнаб кетди. - Ҳаммаси сўлақмондай-сўлақмондай экан деб ҳайрон бўлиб тургандим. Кичкинаси ҳам бўларкан-ку. Бу савил сариқ касалга даво эмиш. Шуни беринг.

Шоҳиста томошақовоқни сумкачасига солиб, дўкондан чиқди. Уни кузатиб турган сотувчи йигит бирдан дўконни бошига кўтаргудек кулиб юборди:

- Томошақовоқ - бу. Тонг отгунча ўт ёқасиз, лекин пишмайди, ойимқиз. Икки томошақовоқ бир-бирига мос тушди-ей. Зап томоша-да!

Карим РАҲИМ.

Қутлуғ бўлсин

Меҳрибон онажонимиз — Бегимойи АБДУЛЛАЕВА! Сизни туғилган кунингиз билан чин қалбимиздан муборакбод этамиз. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз. Бахтимизга кўп йиллар соғу саломат, бардам-бақувват юринг.

Фарзандлар ва набиралар номидан: Суннат ва Алишер.

Тошкент шаҳар ИИБ томонидан «Интер-Фарм» хусусий фирмаси номига берилган хусусий муҳр йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади

Mahalla
Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Абдунаби МАННОПОВ, Расул РАҲМОНОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Мавлуда ҚОСИМОВА, Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Бехбуд ЖУМАЕВ, Таъна берди ҚУРБОНОВ, Эркин ҒУЛОМОВ.

Масъул котиб: Аслиддин БЎРИЕВ
Навбатчи: Аброр БЕРДИЕВ

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

5079 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-724 Топширилди—21.00